

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.G.01.06. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФАЙЗУЛЛАЕВ МАҚСУД АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ЧЎЛ ҲУДУДЛАРИДА ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК  
ОМИЛЛАРИ**

**11.00.02 - Иқтисодий ва ижтимоий география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2017**

**Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Файзуллаев Мақсуд Абдуллаевич**

Жанубий Ўзбекистон чўл худудларида қишлоқ хўжалиги ривожланишининг  
иқтисодий-географик омиллари.....3

**Файзуллаев Мақсуд Абдуллаевич**

Экономико-географические факторы развития сельского хозяйства в  
пустынной зоне Южного Узбекистана.....21

**Fayzullaev Maksud Abdullaevich**

“Economic-geographical factors of agricultural development in the areas of desert  
of southern Uzbekistan” .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.G.01.06. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФАЙЗУЛЛАЕВ МАҚСУД АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ЧЎЛ ҲУДУДЛАРИДА ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК  
ОМИЛЛАРИ**

**11.00.02 - Иқтисодий ва ижтимоий география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/G6 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (nauka@nuu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Солиев Абдусами Солиевич**

география фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қаюмов Абдуҳаким Абдухамидович**

география фанлари доктори, профессор

**Азимов Шухрат Ақромович**

география фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.G.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ikgeografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, Геология ва география факультети)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Н.И.Сабитова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

**Ш.М.Шарипов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

**А.А.Қаюмов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон аҳолисининг кўпайиб бориши билан унинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг ўсиб бориши, ўз навбатида қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш, ҳудудий таркибини такомиллаштиришнинг долзарблигини белгилаб беради. «2050 йилга бориб жаҳон аҳолисининг 9 миллиарддан ортиши, урбанизация даражасининг тез суръатларда ўсиши ва аҳолининг 70 фоизи шаҳарларда тўпланиши (ҳозирда 49 фоиз) кутилаётган бир пайтда, дунё аҳолисини боқиш учун глобал даражада қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни икки баробарга ошириш керак бўлади».<sup>1</sup> Бу ҳолат суғориладиган ерларнинг асосий қисми жойлашган қурғоқчил минтақалар ва улар қаторида Ўзбекистон чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш лозимлигини кўрсатади.

Бугунги кунда жаҳон қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иқтисодий-географик омилларнинг ҳудудий ўзгарувчанлигини аниқлаш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий-ижтимоий жараёнларни самарали бошқариш механизмлари ишлаб чиқиш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг илмий асосларини яратиш талаб этилмоқда. Чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича иқтисодий географик тадқиқотларни амалга оширишда суғориладиган ерлардан фойдаланишни ҳудудий ташкил этиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалик экин майдонларини оптималлаштириш, аҳоли истеъмол даражасини аниқлаш, агрогеографик прогнозларни ишлаб чиқиш, аграр соҳа ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаш кабилар долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида республика қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этишда туб ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этди. Жумладан, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экин майдонларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш механизмларини жорий этиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ошди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт таркиби ва географиясининг кенгайишига эришилди. Таъкидлаш керакки, мамлакат чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, сув захираларини оқилона бошқариш, аграр соҳа инфратузилмасини такомиллаштириш, қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини ошириш бўйича илмий изланишларга етарлича эътибор қаратилмаган.

---

<sup>1</sup> Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) Қишлоқ хўжалиги кўмитасининг материаллари. <http://www.fao.org/docs/synthesis.pdf>

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ривожланишининг иқтисодий-географик омилларини бозор муносабатларига ўтиш шароитида тизимли ва мажмуали тадқиқ қилиш ҳамда унинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш» йўналиши, 2015 йил 29 декабрдаги 2460-сон «2016–2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 ноябрдаги 382-сон «Сурхондарё вилоятида деҳқон хўжаликларининг имкониятларидан самарали фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишнинг назарий ва умумий методологик масалалари жаҳон ва, шу жумладан, Ўзбекистон илмий адабиётларида анча кенг ёритилган. Иқтисодий географик тадқиқотларда (З.М.Акрамов, В.Г.Крючков, К.И.Иванов, К.И.Лапкин, А.М.Носонов, В.А.Пуляркин, А.Н.Ракитников, А.Н.Рўзиев, Ю.И.Аҳмадалиев, Е.К.Умаров) қишлоқ хўжалигининг ҳудудий жиҳатлари акс эттирилган. Ер-сув ресурслари, агроландшафт, агроэкологик йўналишидаги илмий тадқиқотлар А.А.Абдулқосимов, Л.А.Алибеков, Л.Н.Бабушкин, Ш.С.Зокиров, А.Г.Исаченко, А.Мақсудов, В.А.Николаев, А.А.Рафиқов каби олимлар томонидан бажарилган.

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107036](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036)

Бозор иқтисодиётидан келиб чиқиб, илмий ишларда (С.Ч.Джалалов, Т.Джумаев, А.Н.Нигматов, Э.Ф.Трушин, Х.Р.Тошов) ер-сув ресурсларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишнинг замон талабларига жавоб берувчи жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилган. Бу борада ер-сув муаммоси кескин ҳисобланган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳам маълум даражада тадқиқ қилинган. Чунончи, Тошкент давлат университети географлари (ҳозирги ЎЗМУ) ўтган асрнинг 60-йилларида мазкур ҳудуднинг табиати ва хўжалигини атрофлича ўрганишган, минтақанинг иқтисодий географик масалалари Н.В.Смирнов, Р.А.Ҳодиев, Ш.Эргашев, кейинчалик М.Янгибоев, Ҳ.Абдуназаров, А.Сатторов, Н.Сафарова, П.Қурбоновлар томонидан тадқиқ этилган.

Кўрилатгани ҳудудни географик ўрганиш, айниқса Қарши ва Сурхон-Шеробод чўлларини ўзлаштириш муносабати билан янада кучайган (С.Исломов, И.Ҳасанов, Ш.Имомов, Л.Эрдонов, А.Рўзиев, Т.Жумаев, Қ.Алланов). Жанубий Ўзбекистон минтақасида ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини шакллантириш ва ривожлантириш нуқтаи назардан XX асрнинг 80-йилларида собиқ Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгаши (СОПС) ҳам изланишлар олиб борган. Мустақиллик йилларида эса, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти мутахассислари томонидан ўрганилган бўлиб, минтақа қишлоқ хўжалиги ривожланишига ҳам эътибор қаратилган.

Бироқ, алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги тадқиқотларнинг кўпчилигида кенг миқёсда ўзлаштирилган чўл ҳудудлар иқтисодиётни модернизациялаш шароитидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий, ижтимоий, геоекологик ва геосиёсий муаммолари атрофлича тадқиқ қилинмаган. Қолаверса, кўпчилик тадқиқотлар аввалги режали иқтисодиёт тизими доирасида бажарилган. Айнан ана шу ҳолатлар Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ривожланишининг иқтисодий-географик омилларини бозор муносабатларига ўтиш шароитида тизимли ва мажмуали тадқиқ қилиш зарурлигини кўрсатади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф6-045 «Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг географик муаммолари» (2007-2011 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар давлат лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ривожланишининг иқтисодий географик омилларини очиқ бериш ҳамда мавжуд муаммолар ечими бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни иқтисодий географик жиҳатдан асослаш;

қишлоқ хўжалигини ҳудудий таркибини тадқиқ қилишнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш;

ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибини такомиллаштиришнинг алгоритмик моделини ишлаб чиқиш;

Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудларида суғорма деҳқончиликнинг ривожланиш хусусиятларини таҳлил қилиш, ҳудудда шаклланаётган аграр-индустриал циклни ҳозирги ҳолатини баҳолаш;

аграр соҳа ривожланишининг ўрта ва узоқ муддатли истиқбол кўрсаткичларига асосланган қишлоқ хўжалик экин майдонлари, ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилининг прогнозини ишлаб чиқиш;

ҳудудда ер-сув ресурсларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ривожланиши асосида келиб чиққан муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудлари қишлоқ хўжалигининг ҳудудий таркиби ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** минтақа қишлоқ хўжалиги ривожланишининг иқтисодий-географик омиллари, қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш, ер-сув ресурсларидан фойдаланишга қаратилган иқтисодий-ижтимоий жараёнларни бошқариш методлари ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида тизимли таҳлил, мажмуали ва географик таққослаш, иқтисодий-статистик, картографик, районлаштириш, SWOT-таҳлил, энергия ишлаб чиқариш цикллари, анкета-сўров, математик моделлаштириш ва прогнозлаштириш усуллари кенг фойдаланилган.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Жанубий Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг иқтисодий географик омилларидан тупроқ-иқлим шароитлари, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ҳолати, сув истеъмоли меъёри, мулкчилик шакллари ва самарадорлиги, аҳолининг истеъмол даражаси агрогеографик районлаштириш асосида аниқланган;

ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибини оптималлаштиришнинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

минтақада гидромелиоратив аграр-индустриал цикллари ривожлантиришнинг маъмурий, иқтисодий ва экологик хусусиятлари аниқланган;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятини ташкил этишнинг ҳудудий тизимини аграр соҳа инфратузилма салоҳиятини кучайтириш, сув ресурсларини самарали бошқариш, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ва чўл-яйлов чорвачилигини ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини назорат қилиш асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида географик конвейерлар, гидромелиоратив аграр-индустриал цикллари шакллантириш



афзалликлари ва қишлоқ хўжалиги мақсадида ер-сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари ўзаро алоқадорликда, мажмуали ва тизимли таҳлил қилиш асосида методик ёндашувлар таклиф қилинган;

қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида математик моделлаштириш услубиёти татбиқ этилган ва мос алгоритм асосида муайян майдонда ахборот технологиялари асосида оптимал ишлаб чиқарувчилик сиёсатини олиб бориш механизми таклиф қилинган;

Жанубий Ўзбекистон маъмурий туманлари бўйича компьютер технологиялари асосида яратилган тематик карталар тақдим этилган, бунда, қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан фойдаланиш даражаси, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожланишининг ҳудудий таркиби асосий кўрсаткичлари ўз аксини топган;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш, ҳудудий ташкил этилишидаги муаммоларни самарали ҳал қилишни таъминлайдиган иқтисодий географик тизимни яратиш, соҳа тараққиётининг яқин, ўрта ва узоқ келажакдаги ҳолатини аниқлаш мақсадида 2015-2020 йилларда асосий қишлоқ хўжалик экин майдонлари, ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги унда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари статистика, қишлоқ ва сув хўжалиги бош бошқармалари, Аму-Сурхон ва Аму-Қашқадарё ирригация тизими ҳавза бошқармалари, Ер ресурслари ва кадастр давлат қўмитасидан олинган маълумотларидан фойдаланилганлиги билан асосланади. Шунингдек, диссертация ишида муаллиф томонидан ўтказилган дала тадқиқотлари натижасида олинган маълумотлардан ҳам фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ хўжалиги тармоқлари жойланиши ва ривожланишининг иқтисодий географик омилларини типологик, математик-статистик, картографик усуллар ёрдамида тадқиқ этишда методологик-услубий ёндашувларни такомиллаштиришга имкон берувчи илмий асос ва математик ишланмалар, моделларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар сув танқислиги ва қурғоқчилик шароитида қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш, ушбу иқтисодиёт соҳасида тегишли истиқболли ва мақсадли минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишда муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, диссертациянинг асосий хулосалари ҳамда умумлаштирилган маълумотлари олий таълим муассасалари тегишли йўналишларида ўқув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ривожланишининг иқтисодий географик омилларини мажмуали тадқиқ қилиш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Жанубий Ўзбекистон минтақаси қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва агрогеографик районлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида гидромелиоратив аграр-индустриал цикларни ривожлантиришнинг хусусиятлари бўйича олинган натижалар ОТ-Ф6-045 рақамли «Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг географик муаммолари» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида Жанубий Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини тавсифлашда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 23 ноябрдаги ФТК–03-13/837-сон маълумотномаси). Илмий натижалар минтақа қишлоқ хўжалиги жойланиши ҳамда ривожланишининг асосий иқтисодий географик қонуниятларини, бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишнинг асосий тамойилларини, қишлоқ хўжалигида районлаштиришнинг иқтисодий географик жиҳатларини аниқлашга хизмат қилган;

қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибини такомиллаштиришнинг дастурий таъминоти Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида фойдаланилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 30 октябрдаги 05/05-47-сон маълумотномаси). Натижада пахта ва ғалла экин майдонлари қисқариши билан бўшайдиган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги экинларини самарали жойлаштирилишини таъминлаш имконияти яратилган;

қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларида оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятини ташкил этишнинг ҳудудий тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида мазкур йўналишдаги режа-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 30 октябрдаги 05/05-47-сон маълумотномаси). Ушбу натижалар ҳудудларда 2016-2020 йилларда деҳқончиликни комплекс ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятини ташкил этишнинг ҳудудий тизимини такомиллаштиришга қаратилган режаларни мукамал тузиш учун хизмат қилган;

қишлоқ хўжалигини иқтисодий-географик тадқиқ қилишнинг такомиллаштирилган илмий-услугий асослари Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (O'zStandart Давлат агентлигида 2014 йил 10 октябрда O'zDSt 36.1559:2014 №5181 қайд рақами билан рўйхатга олинган). Таклиф этилган материаллар бакалаврият таълим йўналишида (5140600-География) «Ўзбекистон географияси», «Географик тадқиқот усуллари» фанларининг назарий ва амалий аҳамиятини оширишга, хусусан, қишлоқ хўжалиги географиясининг асосий йўналишлари, восита ва усуллари тавсифини очиқ беришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 30 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 27 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, жумладан, 17 таси республика ва 5 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ақс этирилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалигини илмий тадқиқ қилишнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобда қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишнинг асосий тамойил ва омиллари баён этилган, қишлоқ хўжалиги, ер-сув ресурсларидан фойдаланишни тадқиқ қилишнинг назарий-услубий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодий (ижтимоий) географиянинг асосий тарихий манбаси ёки илдизи сифатида ўзининг ривожланиш ва ҳудудий ташкил этиш хусусиятларига эга. Мазкур соҳанинг мавсумийлиги, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш шакллари – мужассамлашув, ихтисослашув, кооперация ва комбинатлашувнинг ўзига хос жиҳатлари, айниқса унинг мужассамлашув билан боғлиқ ҳудудий ташкил этиш шакллари бу соҳани ўрганишнинг назарий-услубий томонларини белгилаб беради. Бу борада хусусан комплекс (мажмуали) ва системали (тизимли) ёндашувларнинг ўрни катта. Чунончи, ушбу диссертация мавзуси ҳисобланган чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалик тармоқларининг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилиши, унга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш энг аввало мажмуали ва тизимли ёндашувни талаб қилади. Омилларни аниқлаш, уларни атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш эса қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ривожланиш ва жойланиш қонуниятларини очиб беради (1-расм). Айни вақтда бундай методологик ёндашув ўрганиладиган воқеанинг келажаги, истиқбол ривожланишидаги устувор йўналишларни илмий нуқтаи назардан асослаб беришга хизмат қилади.

Чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этиш хусусиятларини ўрганиш турли метод ёки усуллар, ёндашувлар ёрдамида амалга оширилади. Улар орасида география учун энг муҳим ҳисобланган тарихий таққослаш, хариталаштириш, районлаштириш кабиларнинг назарий-услубий аҳамияти катта. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиришга оид классик илмий ғоя ва қонуниятларни, республикамиз шароити ва бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда, танқидий ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳам илмий ишнинг назарий жиҳатларини мустаҳкамлайди.


Диссертациянинг «**Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий омиллари**» деб номланган иккинчи бобида минтақа табиий шароити ва янги ерларнинг ўзлаштирилиши, қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг ҳудудий таркиби, сув ресурсларининг шаклланиш манбалари ва ирригация инфратузилмаси таҳлил қилинган.

Минтақа қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожлантирилиши натижасида 400 минг гектарга яқин янги ерларни ўзлаштирилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳажмини оширишга, меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашга, аҳоли манзилгоҳларини вужудга келишига ёрдам берган бўлсада, айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқарди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мамлакат ягона ер фондида асосий ўрин тутди ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда муҳим восита саналади. Жанубий Ўзбекистон мамлакат умумий майдонининг деярли 11,0 фоизини эгаллаган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ерларининг 13,5 фоизи ушбу ҳудудга тўғри келади. Республикада янги ерларни ўзлаштиришнинг асосий қисми айнан шу минтақада амалга оширилган. Мавжуд ер ресурсларидан (фондидан) қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланишда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бир-биридан фарқ қилади. Бундай таркибий (ички географик) хусусиятлар, энг аввало, жойнинг табиий шароити – ер усти тузилиши, агроиқлимий ресурсларнинг бир хил эмаслиги каби омиллар билан боғлиқ.

Жумладан, Қашқадарё вилоятида ўзлаштирилмаган чўл зоналарида чорвачилик учун яйлов майдонлари, Сурхондарёда эса тоғ ва тоғ олди ҳудудларида боғдорчилик ва узумчилик учун қулай бўлган ерлар кўпроқ. Шу билан бирга Қашқадарё вилояти Ўзбекистоннинг лалмикор деҳқончилик ривожланган энг катта райони ҳисобланади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишида ўзига хос ўринга эга бўлган Жанубий Ўзбекистонда мураккаб *ирригация инфратузилмаси* вужудга келди. Унинг асосини энг аввало барпо этилган сув омборлари ва каналлар ташкил этади. Айни вақтда сунъий суғоришда электр энергиянинг кўп сарфланиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг иқтисодий кўрсаткичларига таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай имкониятларга эга. Бу борада асосий омил сифатида ер ва сув захиралари, агроиқлимий ва меҳнат ресурслари, ирригация инфратузилмаси кабилар хизмат қилади.



**1-расм. Қишлоқ хўжалиги ривожланишига таъсир этувчи географик омиллар**

Расм муаллиф томонидан тузилган.

Диссертациянинг «**Минтақа қишлоқ хўжалигининг тармоқлар ва ҳудудий таркиби**» деб номланган учинчи бобида Жанубий Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви ва ривожланиши, минтақа янги ўзлаштирилган ҳудудлари қишлоқ хўжалигида тармоқлараро мажмуалар ва аграр-индустриал циклнинг шаклланиши, қишлоқ хўжалиги ҳудудий таркиби ва агрогеографик районлаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Минтақанинг агроиклим, ер-сув ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлик нуктаи назардан келиб чиққан ҳолда узоқ йиллар давомида шаклланган қишлоқ хўжалик ихтисослашув йўналишига айрим ўзгартиришлар киритишга тўғри келмоқда. Жанубий Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий хусусиятлари суғорма деҳқончиликка асосланганлиги, ички районлар ихтисослашуви бир-биридан фарқ қилиши, сув ресурсларининг нисбатан чекланганлиги (айниқса, Қашқадарё вилоятида), мулкчилик шакллари орасида рақобат шаклланмаганлиги билан белгиланади. Минтақада қишлоқ хўжалигининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар асосида вужудга келаётган аграр-индустриал циклнинг тўлиқлигини таъминлаш, тармоқлараро мажмуалар алоқадорлигини кучайтириш масаласини долзарб қилиб қўяди.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг ўзаро ўхшашлиги нафақат уларнинг географик жойланишида, балки бу маъмурий бирликларнинг гидрографик хусусияти, яъни дарё ҳавзаси таъсирида тарихий географик жиҳатдан шаклланганлигидир. Шу билан бирга бу ўзига хос ҳудудий хўжалик тизими ички тафовутларга эга бўлиб, геоморфологик, агроиклимий, геодемографик хусусиятлари билан боғлиқ. Айнан шулар таъсирида ҳар икки вилоятда қуйи, ўрта ва юқори агрогеографик районлар вужудга келган. Жанубий Ўзбекистоннинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари қишлоқ хўжалиги географияси ўзига хос бўлиб, бундай ҳудудий фарқлар республиканинг бошқа минтақаларида деярли кўзга ташланмайди. Ушбу тадқиқот ишига бевосита алоқадор бўлган *Қуйи Қашқадарё агрогеографик райони* асосан текислик ҳудудини (Қарши чўлини) ўз ичига олади. Булар Касби, Косон, Миришкор, Муборак, Нишон ва Қарши туманлари ҳисобланиб, улар биргаликда вилоят умумий майдонининг 41,6 фоизини, аҳолисининг 33,0 фоизини ўзида мужассам қилган. Район вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг деярли ярмини таъминлайди. Жами экин ерларининг 3/4 қисмида ғалла ва пахта етиштирилади.

*Қуйи Сурхондарё агрогеографик райони* ушбу диссертациянинг тадқиқот объектига кирувчи асосан текисликдаги ҳудудларни (Сурхон-Шеробод чўлини) ўз ичига олиб, маъмурий жиҳатдан Ангор, Жарқўрғон, Музработ, Термиз, Шеробод ва Қизириқ туманларидан иборат. Ушбу маъмурий бирликлар вилоят майдонининг 32,2 фоизини, аҳолисининг 39,0 фоизини

ўзида мужассам қилган. Район вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 2/5 қисмидан кўпроғини таъминлайди.

Қуйи районларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар, жумладан, суғориладиган ерлар ҳажми кўп, ҳарорат ҳам етарли, аммо сув захиралари жуда оз. Айнан шу ҳудудларда янги ерлар ўзлаштирилган бўлиб, улар минтақа агроиктисодиёт тизимида муҳим ўринга эга. Бу районларнинг вилоят ва умуман Жанубий Ўзбекистон минтақасидаги тутган ўрни ҳам SWOT – таҳлил усулидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг муаммо ва истиқболлари ҳам ҳар хил. Шу билан бирга ҳар икки вилоят турдош агрогеографик районлари ўртасида маълум даражада ўхшашликлар ҳам бор ва уларнинг минтақа қишлоқ хўжалиги ривожланиш стратегиясини аниқлашда эътиборга олинисида асосий аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «**Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий муаммолари ва устувор йўналишлари**» деб номланган тўртинчи бобида чўл ҳудудлари қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг асосий муаммолари, қишлоқ хўжалиги ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари баён этилган.

Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ривожланиши, фермер хўжалиги фаолиятида кузатиладиган муаммоларни аниқлашда *социологик сўров* олиб борилди. Анкета (сўровнома) қишлоқ хўжалиги фаолиятида етакчи ўринни эгаллаган фермер хўжаликлари доирасида ўтказилди. Муаммолар реаллигини аниқлаш мақсадида ўтказилган социологик эксперт сўрови ҳулосасига кўра фермер хўжаликлари билан шартнома асосида хизмат кўрсатадиган муқобил машина трактор парки, сув истеъмолчилари уюшмаси, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари сотиш, минерал ўғитлар сотиш шахобчалари, минибанклар, зооветеринария, ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати, уруғчилик каби хизмат кўрсатиш соҳаларида вужудга келган муаммолар аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудларида ер-сув ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ушбу иктисодиёт соҳасини инновацион-индуриал асосда ривожлантиришда минтақа ҳамда вилоятлар миқёсида маълум муддатларга мўлжалланган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ўрганишлар жараёнида аниқланган муаммоларни бартараф этишнинг устувор йўналишларини икки тамойил (ҳолат, сценария) бўйича таклиф этиш мумкин: 1) минтақа қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган суғориладиган ерлар майдони деярли кенгайтирилмайди ва ўзгаришсиз қолади; 2) келажакда ҳам минтақа қишлоқ хўжалигининг сув билан таъминланиши бевосита Амударё билан белгиланади ва Амударёдан келадиган сув миқдори кескин кўпаймайди.

Шунингдек, минтақа қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилишидаги муаммоларни самарали ҳал қилишни таъминлайдиган иқтисодий географик тизимни яратиш, келажакда минтақа шароитида қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш йўллари хамда соҳа тараққиётининг яқин, ўрта ва узоқ келажакдаги ҳолатини аниқлаш мақсадида 2015-2020 йилларда асосий қишлоқ хўжалик экин майдонлари, ҳосилдорлиги, ва ялпи ҳосилининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Ушбу кўрсаткичларда 2020 йилгача пахта экин майдонини 18-20 фоиз қисқартириш, ялпи ҳосил 17-18 фоизга камайиш, ҳосилдорлик 1-1,5 ц/га кўпайиши белгиланган. Қисқартирилган пахта майдонлари ўрнига йиллар давомида сабзавот, озуқабоп экинлар, мойли экинлар, токзор ва картошка экинини жойлаштириш таклифлари берилган. Бунда хўжаликларнинг тупроқ типи, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, сув ресурслари билан таъминланганлигига ва аҳоли эҳтиёжига қараб пахтага нисбатан 1,5 марта кам сув талаб сабзавотлар, дуккакли экинлар, чўл-яйлов чорвачилиги (қоракўлчилик) ва гўшт-сут чорвачилигига ихтисослашган хўжаликларни ем-хашак билан таъминлаш мақсадида озуқабоп экинлар (беда, маккажўхори, тарик, лавлаги), мойли экинлардан кунгабоқар майдонларини кенгайтириш назарда тутилган.

Математик моделлаштириш услуги асосида режалаштирилган маҳсулотларга мос майдонларни ажратиш, уларга сув, ёқилғи ва минерал ўғит каби ресурсларни тақсимлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Бу дастурий ишланма Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан фойдаланилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 30.10.2017 йилдаги №05/05-47-сон маълумотномаси). Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2460-сонли қарорига (2015 йил, 29 декабрь) мувофиқ Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (2016 йил, 9 январь, 10-сонли) томонидан қабул қилинган қарор ижросини таъминлашда математик модель асосида ишлаб чиқилган дастурдан фойдаланилган (2-расм).

Натижада, математик моделлар асосида Сурхондарё вилояти бўйича пахта ва ғалла майдонлари қисқариши ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинлари майдонлари ўзгариши доирасида ишлаб чиқариш режалаштирилган маҳсулотларга мос сув ресурслари, ёқилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар каби ресурсларни режалаштириш ҳисоб-китоблари амалга оширилган. Мазкур қарор билан тасдиқланган мақсадли параметрлардан келиб чиқиб пахта ва ғалла майдонлари қисқариши натижасида бўшайдиган экин майдонларида қишлоқ хўжалиги экинларини самарали жойлаштирилишини таъминлаш имконияти яратилган.



2017 йилда оптималлаштирилган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш кўрсаткичлари

### 2017 йилда оптималлаштирилган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш кўрсаткичлари

Фермерлар	Жами майдон	Бонитет бали	Пахта	Ғалла	Картошка	Сабзавот экинлари	Интенсив боғ	Озуқа экинлари	Мойли экинлари	Янги экинлар
1-фермер										
2-фермер										
3-фермер										
4-фермер										

1 га ерга сарфланадиган сув миқдори(м.куб) | 1 га ерга сарфланадиган ёқилги миқдори | 1 га ерга сарфланадиган минерал ўғитлар миқдори

Пахта	Ғалла	Сабзавот

Пахта	Ғалла	Сабзавот

Пахта	Ғалла	Сабзавот

OK

2-расм. «Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш кўрсаткичлари» дастурининг умумий кўриниши  
 Дастур муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юзага келган муаммолар даражаси ва географияси ҳар хил, уларни ечиш шарт-шароитлари ҳам турлича. Шу боис бу хусусда илмий адабиётларда ва амалиётда ўз исботини топган анъанавий ёндашувлар, яъни муаммоларга дастурли ёндашув катта аҳамиятга эга. Бунда бош муаммо – Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ривожланиши самарадорлигини ошириш ва унинг ҳудудий ташхис этилишини такомиллаштириш бир неча блоклар (иқтисодий, ижтимоий, экологик ва ташкилий) кесимида кўриб чиқилди. Энг куйи муаммо ёки масала ундан юқорида турган муаммо ечимига йўл очади ва шу тартибда бош муаммони ҳал қилишга эришилади. Ушбу бобда Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ривожланишининг истиқболли йўналишларини айнан шу тарзда таҳлил қилиниши тегишли илмий асосланган хулосалар чиқаришга имкон берди.

## ХУЛОСА

1. XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон чўл ҳудудларида янги ерларнинг ўзлаштирилиши муносабати билан мураккаб ирригация-мелиорация инфратузилмаси шакллантирилди ҳамда қишлоқ хўжалигини экстенсив ривожланиши учун пойдевор яратилди. Ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланиш бевосита трансчегаравий хусусиятга эга бўлган сув ресурсларига боғлиқлиги, деҳқончиликда сув сарфининг кўпайиб бориши суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувига, Орол денгизининг қуриши ва бошқа геоэкологик муаммоларга сабаб бўлди.

2. Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудларида ер-сув, аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳамда электр энергия асосида занжирсимон ривожланиш хусусиятига эга бўлган мураккаб цикл – аграр-индустриал мажмуаси шаклланмоқда. Кўп меҳнат ва сув талаб қилувчи гидромелиоратив деҳқончилик цикли етакчи ҳисобланиб, чорвачилик-индустриал цикли ривожланишида ҳам имкониятлар катта. Бу икки циклнинг ўзаро алоқадорликда ривожланиши, мавжуд тоғ-кимё ҳамда ёқилғи-энергетика мажмуаси билан биргаликда минтақа иқтисодиётининг асосини ташкил қилади.

3. Қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда қўшимча сув манбаларидан фойдаланиш асосида сув тақчиллигини олдини олиш мумкин. Асосан, коллектор-дренаж сувларининг шўрлик даражаси 3-5 гр/л дан юқори бўлмаган тақдирда дарё сувлари билан қўшган (аралаштирилган) ҳолда ишлатиш тавсия этилади. Мазкур сувлардан Ангор, Миришкор, Музработ, Нишон, Косон, Шеробод ва Қизириқ туманларида кенг фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Бунда туманлардаги йирик зовурларда тўсиқ ва насос станцияларини ўрнатиш зарур бўлади.

4. Қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида математик моделлаштириш услубиёти ва мос алгоритм асосида муайян майдонда ахборот технологиялари асосида оптимал ишлаб чиқарувчилик сиёсатини олиб бориш механизми ишлаб чиқилган. Натижада, чўл ҳудудларида пахта ва ғалла экин майдонлари қисқариши натижасида бўшайдиган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги экинларини самарали жойлаштирилишини таъминлаш имконияти яратилган.

5. Қишлоқ хўжалиги ихтисослашувида таркибий ўзгаришларни тармоқ ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилишига таъсир кўрсатувчи географик омилларни ҳисобга олиб ўзгартириш ва экин майдонлари таркибини мақбуллаштириш таклиф қилинган. Бунга кўра, 2016 йилда Ангор туманида 250 гектар, Жарқўрғонда 550, Қизирикда 500, Музработда 700, Термизда 300, Шерободда 300, Касби туманида 220 гектар, Косонда 280, Миришкорда 650, Муборакда 250, Нишонда 300, Қарши туманида эса 200 гектар пахта майдонини қисқартириш ва ушбу ҳудудларнинг табиий шароитидан келиб чиқиб, ушбу майдонларнинг 50 фоизига сабзавот ва дуккакли экинлар, 15 фоизига мева ва токзорлар, 14 фоизига озуқабоп экинлар, 10 фоизига мойли экинлар, 6 фоизига картошка экинини, 5 фоизга бошқа экинларни жойлаштириш таклиф қилинган.

6. Қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилишидаги муаммоларни самарали ҳал қилишни таъминлайдиган иқтисодий географик тизимни яратиш, келажакда регионал шароитда қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш йўллари башорат қилиш, соҳа тараққиётининг яқин, ўрта ва узоқ келажакдаги ҳолатини аниқлаш мақсадида 2015-2020 йилларда асосий қишлоқ хўжалик экин майдонлари, ҳосилдорлиги, ва ялпи ҳосилининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Бу кўрсаткичларда 2020 йилгача пахта экин майдонини 18-20 фоиз қисқартириш, ялпи ҳосил 16-18 фоизга камайиш, ҳосилдорлик 1-1,5 ц/га кўпайиши кўрсатилган. Қисқартирилган пахта майдонлари ўрнига йиллар давомида сабзавот, озуқабоп экинлар, мойли экинлар, токзор ва картошка экинини жойлаштириш прогнози берилган.

7. Келажакда қишлоқ хўжалиги ихтисослашувида таркибий ўзгаришларни ҳисобга олиб ва минтақа табиий шароитидан келиб чиқиб, Касби, Косон, Миришкор, Муборак, Нишон ва Қарши туманларида 2-3 тадан сабзавот, мойли экинлар, полиз экинлари ва озуқа экинлари уруғини етказиб берувчи уруғчилик фермер хўжаликларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Натижада фермер ва деҳқон хўжаликларини сифатли ва ҳосилдор уруғлар билан таъминлаш тизими яратилади.

8. Вилоят марказларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, экспорт қилишга ихтисослашган логистика марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Натижада қишлоқ хўжалиги

махсулотларини қайта ишлаш сифати яхшиланади, транспорт хизмати қулайликлари яратилади ва экспорт қилиш имконияти кенгайди.

9. Чўл-яйлов чорвачилиги (қоракўлчилик) хўжалиklarини мунтазам электр энергияси билан таъминлаш мақсадида муқобил электр энергияси манбаи – кичик қуёш батареяларидан фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Чорвачилик ва паррандачилик хўжалиklarида эса комплекс биогаз лойиҳаларининг қурилишини амалга ошириш керак. Натижада энергия харажатлари камаяди ва экологик тоза энергия манбасидан фойдаланиш имконияти яратилади.

10. Чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришига мослаштириш мақсадида ташкилий, ҳуқуқий-норматив ва иқтисодий-инвестицион йўналишлардан иборат мажмуали ёндашувни қўллаш, «иқлим ўзгариши шароитида аграр секторни мослаштириш ва диверсификациялаш» бўйича давлатнинг мақсадли дастури ва Концепцияни ишлаб чиқиш, хўжалиklar инвестиция муҳитини ва экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.G.01.06  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**ФАЙЗУЛЛАЕВ МАКСУД АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ЭКОНОМИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В ПУСТЫННОЙ ЗОНЕ ЮЖНОГО  
УЗБЕКИСТАНА**

**11.00.02 – Экономическая и социальная география**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/G6.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (nauka@nuu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный консультант:**

**Солиев Абдусами Солиевич**

доктор географических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Каюмов Абдухаким Абдухамидович**

доктор географических наук, профессор

**Азимов Шухрат Акрамович**

кандидат географических наук, доцент

**Ведущая организация:**

Каракалпакский государственный университет

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.G.01.06. при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел.: (99871)227-12-24, факс:(99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Геолого и географический факультет Национального университета Узбекистана)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № \_\_\_\_). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Административное здание Национального университета Узбекистана.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.)

**Н.И.Сабитова**

Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.г.н., профессор

**Ш.М.Шарипов**

Учёный секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.г.н., доцент

**А.А.Каюмов**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.г.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** С увеличением численности населения мира увеличивается спрос на сельскохозяйственную и продовольственную продукцию, в связи этим, актуальным является вопрос совершенствования развития сфер сельского хозяйства и территориального развития. «В условиях, когда к 2050 году ожидается увеличение численности населения мира выше отметки 9 миллиардов человек, стремительный рост уровня урбанизации до 70 процентов (сейчас этот показатель составляет 49 процентов), для обеспечения нормальной жизнедеятельности населения мира потребуются на глобальном уровне увеличить производство сельскохозяйственной и продовольственной продукции в два раза». <sup>1</sup> Это обстоятельство отражает необходимость интенсивного развития сельского хозяйства в аридных регионах, где сконцентрирована основная часть орошаемых земель мира, в частности, в пустынных регионах Узбекистана.

На сегодняшний день в мировом сельском хозяйстве имеется потребность рациональном использовании земельно-водных ресурсов, определении территориальных различий в экономико-географических факторах, разработке эффективных механизмов управления социально-экономическими процессами в сельском хозяйстве, создании научных основ продовольственной безопасности и устойчивого развития. При проведении экономико-географических исследований по развитию сельского хозяйства на пустынных территориях актуальными вопросами считаются территориальная организация использования орошаемых земель, выработка рекомендаций по рациональному использованию водных ресурсов, оптимизация структуры посевных площадей сельскохозяйственных культур, определение уровня потребления населения, разработка агрогеографических прогнозов, определение приоритетных направлений развития аграрной сферы.

В годы независимости переход на рыночные отношения потребовал проведения коренных экономических реформ в сельском хозяйстве. В частности, были осуществлены поэтапные преобразования по модернизации сельского хозяйства, формированию класса собственников и обеспечению их самостоятельности. Вместе с тем, были приняты меры по структурным изменениям посевных площадей, внедрению экономических механизмов поощрения рационального использования земельно-водных ресурсов, улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель. В результате улучшилось мелиоративное состояние орошаемых земель, выросла урожайность сельскохозяйственных культур, расширилась товарная структура и география экспорта сельскохозяйственной продукции. Однако необходимо подчеркнуть, что уделялось недостаточно внимания научным исследованиям по повышению эффективности использования

---

<sup>1</sup>Материалы Комитета по сельскому хозяйству Международной Продовольственной и сельскохозяйственной организации (ФАО). <http://www.fao.org/docs/synthesis.pdf>

сельскохозяйственных земель пустынных территорий страны, рациональному управлению водными ресурсами, совершенствованию инфраструктуры аграрного сектора, повышению занятости населения в сельской местности. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены такие задачи, как «углубление структурных реформ и динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора». <sup>2</sup> Эффективное выполнение данных задач определяет актуальность системных и комплексных исследований экономико-географических факторов развития сельского хозяйства пустынных территорий Южного Узбекистан в условиях перехода на рыночные отношения, а также совершенствования научно-методических основ этих исследований.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных в направлении «Дальнейшее развитие и либерализация экономики» Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства на 2016-2020 годы», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по эффективному использованию возможностей дехканских хозяйств Сурхандарьинской области» № 382 от 9 ноября 2016 года, а также других нормативно-правовых документов, регулирующих данную деятельность.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** В научной литературе подробно освещены теоретические и общеметодологические вопросы территориальной организации сельского хозяйства. В экономико-географических исследованиях (З.М.Акрамов, В.Г.Крючков, К.И.Иванов, К.И.Лапкин, А.М.Носонов, В.А.Пуляркин, А.Н.Ракитников, А.Н.Рузиев, Ю.Ахмадалиев, Е.Умаров) отражены территориальные аспекты сельского хозяйства. Научные исследования в сфере агроландшафтоведения, оценки земельно-водных ресурсов, агроэкологии проведены такими учеными, как А.А.Абдулкосимов, Л.А.Алибеков, Л.Н.Бабушкин, Ш.С.Зокиров, А.Г.Исаченко, А.Максудов, В.А.Николаев, А.А.Рафиков.

---

<sup>2</sup> Указ Президента Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». 7 февраля 2017 г., № УП-4947. [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107036](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036)



Исходя из условий рыночной экономики в научных работах (С.Ч.Джалалов, Т.Джумаев, А.Н.Нигматов, Э.Ф.Трушин, Х.Тошов) большое внимание уделено аспектам, которые отвечают современным требованиям территориальной организации сельского хозяйства, использования земельно-водных ресурсов. В этом направлении в определенной степени изучены Кашкадарьинская и Сурхандарьинская области, в которых остро стоит проблема рационального использования земельно-водных ресурсов. Несмотря на то, что географы Ташкентского государственного университета (ныне НУУз) в 60-ых годах прошлого столетия широко изучили природу и хозяйство данного региона, экономико-географические особенности региона также изучены Н.В.Смирновым, Р.А.Ходиевым, Ш.Эргашевым, а позднее М.Янгибоевым, Х.Абдуназаровым, А.Сатторовым, Н.Сафаровым, П.Курбоновым.

Географическое изучение данного региона, особенно в результате освоения Каршинской и Сурхон-Шерабадской степи, более усилилось (С.Исломов, И.Хасанов, Ш.Имомов, Л.Эрдонов, А.Рузиев, Т.Жумаев, К.Алланов). В 80-ых годах XX века бывший Совет по изучению производительных сил (СОПС) также проводил исследования по формированию и развитию производительных сил в Южных районах Узбекистана. А в годы независимости Кашкадарьинская и Сурхандарьинская области изучены специалистами Института прогнозирования и макроэкономических исследований, а также уделено внимание развитию сельского хозяйства региона.

Однако необходимо отметить, что во многих вышеперечисленных исследованиях экономические, социальные, геоэкологические и геополитические проблемы пустынных территорий в условиях модернизации экономики недостаточно исследованы. Кроме того, многие работы выполнены в рамках прежней системы плановой экономики. Именно эти положения определяют необходимость комплексного и системного исследования экономико-географических факторов развития сельского хозяйства пустынных регионов Южного Узбекистана в условиях перехода к рыночным отношениям.

